



ЎЗБЕКНИСТОН

ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Марки: 5 сўм.
1993 йил 16 январь, шанба № 12 (21.366).

Газетага 1918 йил 21 июлда «Иштирокию» номи билан асос солинган

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ РАҲБАРИАТИ БИЛАН УЧРАШУВ

15 январь куни Мудофаа вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Қуrolли Кучларнинг раҳбарлари билан учрашди.

Президент ҳозир бўлган кишиларга республикадаги, Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазият ҳақида, шунингдек, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти қўраётган тadbирлар ҳақида гапириб берди.

Қўрилмалар ва қисмлар кўмондонларининг нутқларида Қуrolли Кучларнинг шахсий таркиби республика chegaralarини, Ўзбекистон аҳолисининг тинч турмушини, давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳарбий бурчини шараф билан бажараётганини таъкидлади. Улар ҳарбий хизматчилар ва оила аъзолари ҳақидаги доимий ғамхўрлик учун республика раҳбариятига чуқур мамнуният изҳор этдилар ва ўзбекистонлик жангчилар Ватанинг мудофаа кудратини мустақамлаш йўлида бундан бундан ҳам фидокорона меҳнат қилавердилар, деб Ўзбекистон Президентига ваъда бердилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашув амалий, ишчанлик вазиятида ўтди.

(ҒаА).

миёсидаги миллий манфаатларига мос бўлиб тушади.

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири генерал-лейтенант Р. Ғ. Аҳмедов ўз нутқида Қуrolли Кучларнинг жанговар шайлигини мустақамлаш чоратadbирлари ҳақида маълумот берди.

Қўрилмалар ва қисмлар кўмондонларининг нутқларида Қуrolли Кучларнинг шахсий таркиби республика chegaralarини, Ўзбекистон аҳолисининг тинч турмушини, давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳарбий бурчини шараф билан бажараётганини таъкидлади. Улар ҳарбий хизматчилар ва оила аъзолари ҳақидаги доимий ғамхўрлик учун республика раҳбариятига чуқур мамнуният изҳор этдилар ва ўзбекистонлик жангчилар Ватанинг мудофаа кудратини мустақамлаш йўлида бундан бундан ҳам фидокорона меҳнат қилавердилар, деб Ўзбекистон Президентига ваъда бердилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашув амалий, ишчанлик вазиятида ўтди.

(ҒаА).

Бозор иқтисодиёти билан юзма-юз

ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ҚИСҚАРМАЙДИ

Сир эмас, бугунги кунда республикада бозор иқтисодиёти дастга етмаган корхона қолмади ҳисоб. Барчасида бир ташвиш — қандай қилиб бўлса ҳам иқтисодий буҳрондан беталофат чиқиб олиш. Очгина, бу жараён осон кечаётгани йўқ. Кимдир имкон излайти, кимдир вақт кутмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бозор тизгинини қўлдан чиқармасликни ниятлаётгани рост. Ҳозир корхонада устки ва ички трикотаж буюмлари, пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти.

Аммо маҳсулотни кўпроқ ишлаб чиқаришнинг илоҳии бўлмайти. Негаки, асосий хом ашё четдан, аниқроғи Россия, Украина ва Беларусь давлатларидан бозор нархларида келтирилади. Республикада ярим жун, нуқул жун ва акрил кимёвий толаси етишмай турибди. Шу бос корхона бир килограмм ярим жун хом ашёсини 1350 сўмга сотиб оляпти.

Ҳисоб-киتاب қилинса, аёлларнинг бир донга халатини ишлаб чиқариш трикотажчиларга 4 минг сўмга тушар экан. Бугунги сўрашнгиз, ўзимизда тайёрланадиган пахта ипнинг ҳар тоннаси 550 минг сўмга туғри келяпти.

Тўғри, 1992 йил режаси бўйича халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш мўлжалдаги 632550 минг сўмлик ўрнига 642413 минг сўмлик бажарилди. Аммо бу кўрсаткич корхона жамоасини қаноатлантирмади. Қўлчиларнинг куюнганича ҳам бор. Чунки, беш-ўн дастабоқ хом ашё етишмаслигини сабабли бекор туриб қолди. Бирок трикотажчилар ўз муаммоларини ҳал қилишга интилягани йўқ.

Анчанча, кам маҳсулотни катта пулга сотишдан кўра рекадатдан кўпроқ кийим-кечак тайёрлаб, уни нисбатан арзон баҳоларда савдо-

ЎЗБЕКНИСТОН-ВАТАНИМ МЕНИНГ КОНКУРСИГА



Владимир ПАНОВ.

ИККИ ДАРҒА

Суратдаги икки сиймони бир қарашда таниганингизга ишончимиз қомил. Янгйўл районидаги «Тинчлик» ва Сирдарё районидagi «Синдоробод» жамоа хўжаликлар раислари Маҳмуд Исमतов ва Қўзбоқар Синдоровлар мамлакатимизда машҳур кишилар сирасига кирдирилди.

Икки дарғани бирлаштириб турган муштарак жиҳатлар бир талая. Иккаловлари ҳам кўпинча бошини қовуштириб раислик сайланганда бунён ўтган давр қирчил дама йилнинг умирга тенг. Икки раҳбарнинг ҳам кўнисида Қўзбоқарнинг жолдузи ва олий парлагет ваколатини берувчи айшон нақаб турбди. Дарйи бир вақтда иккаловлари раҳбарлик қилаётган хўжаликларнинг «Жом муназим» ва «Ленинград» деган номилари янги ағама билан алмаштирилди: гўё «Тинчлик» ва «Синдоробод» номилари икки инсоннинг шунча йиллик меҳнатига кўйилган ҳайкал бўлди. Нанкин ағама, балки захматқанда деҳқонлар учун қурилган кўркам шаҳарчалар, обод масканларда оқсоқол раисларнинг «дастхатлари» мангута муҳрланган. Ҳаётида одамларга яхшилик қилишдан бошқа нарсани ўйламаган икки отахон бугун ҳам давраларнинг тўрида, мажлисларнинг ҳайъатида ўтирилади. Бушқалар елиб-юғуриб битирадиган ишларини бир оғиз калом билан ўз ўрнига қўйишади. Негаки, уларнинг сўзларида йиллар қўйган салмоқ ва салоҳият бор.

Биз Маҳмуд Исमतов ва Қўзбоқар Синдоровларни курултой сессияларда, кенгашу аажуманларда кўриб ўрганиб қолганимиз. Лекин уларнинг умри ноз-неъматлар ижодкори — одамлар кучида ўтди. Икки раҳбарнинг ҳам бугун юзлари аяни, сочлари оқ тушди. Аммо босиб ўтилган йўлдан ҳеч қайслари афсусланишмайди. Ҳали беллариди қувват, ажузлариди шижоат, яққол сезилиб турбди. Иншоолло, насиб этса, ортдан — неча минглаб одамларнинг ўраштираган бу икки дарға ҳали кўн яхши ишларнинг тепасида турадилар.

Эзулик йўлида асло ҳорманг, юртимиз оқсоқоллари!

ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИК ВА БИРЛИКДА

ЎН БЕШИНЧИ январь куни Ўзбекистон Республикаси байналмилад маданият марказида жумҳуриятимиздаги миллий маданият марказлари, жамиятлар, уюшмалар вакиллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда йиғилганлар 3—4 январь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашуви якунларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Бу тарихий учрашувда белгиланган режаларни амалга оширишда куч-гайратларини бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йигин қатнашчилари жафокаш тожик халқининг дардларига малҳам бўлиш ҳар бир соф виждонли фуқаронинг бурчи эканини қайд этиб, ўз халқлари вакиллари Тожикистонга қўлдан келганча ёрдам беришга тайёрлигини изҳор қилдилар. Урта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ҳамкорлиги ва тараққиётига қўмақлашувчи халқаро уюшма фаоллари ҳамда республикаимиздаги миллий маданият марказлари, жамиятлар, уюшмалар вакиллари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларига Мурожаатнома қабул этдилар. Йигин чоғида Тожикистонга бирдорлик ёрдами уюштириш борасида Марказий Осиё халқларига ҳам Мурожаатнома қабул қилинди.

(ҒаА).

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ УЎҚЛАРИ

ЎЗБЕК ЙЎЛСОЗЛАРИ ШВЕЦИЯГА БОРИШАДИ

Ўзбекистон мустақиллигига эришгач, унинг чет эл мамлакатлари билан иқтисодий-иқтисодий соҳадаги алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Эндиликда ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун кенг ўқлар очилди. Шу бос республикаимизда илгир хорижий фирмалар билан алоқа боғлаётган корхона ва ташкилотлар сонини кўндан-кўнга ошиб бормоқда. Бундай самарали ҳамкорлик кейинги пайтда халқ хўжалигининг барча тармоқларини қамраб оляпти.

Яқиндан бошлаб республика йўлсозлари ҳам ана шундай алоқани йўлга қўйдилар. Бу эса йўл қўрилиши соҳасидаги жаҳоннинг етакчи давлатлари тажрибали ўрганиш, йўлсозликда ишлашга қўйилган замонавий техника ва технологиядан фойдаланиш сари қўйилган илк қадам бўлди.

— Ўтган йил март ойида Швециянинг «Динапак» фирмаси вакиллари билан Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган йўлсозлар семинар-кенгашида учрашиб қолдик, — дейди Ўзбекистон Автомобиль йўллари вазирлиги бош мутахассиси Олимжон Бурунов. — Шу ерда ҳамкорлик қилиш бўйича таклифларимизни айтдик. Уларга таклифларимиз маъқул тушди. Тез орада фирманинг етакчи мутахассислари Ўзбекистонга келишди. Кейинчалик биздан 15 киши Швецияга борди.

Бу ерда улар бир ҳафта давомда бўлиб шведларнинг иш тажрибаларини ўрганишди. Йўл қўрилиши машиналари ишлаб чиқарадиган фирмада эса замонавий техника усуллари билан танишишди. Сўнгра ўзбек мутахассислари хорижий ҳамкасбларидан ўрнак олса арайдиган жиҳатларини видеоасмага тушириб қайтишди.

1992 йилнинг август-сентябрь ойларида келишувга мувофиқ Швециянинг «Сверрут» фирмасидан республикаимизга тажрибали мутахассислар ташриф буюришди. Улар иштирокида Бухоро ва Наманганда республика йўлсозларининг семинар-кенгаши ўтказилди.

Швед ҳамкасблар ўзлари билан АҚШ, Канада, Олмония ва Швеция давлатларининг йўл хўжалиги ҳақидаги меъёрий ҳужжатларнинг ҳам олиб келишган экан. Бу йўлсозларимиз учун айни мўлдат бўлди. Негаки, бизда илгари бу соҳадаги барча ҳужжатлар соёқ Иттифок илмий-тадқиқот даргоҳларида тайёрланар, кўпинча республиканинг иқлимий-географик шароитлари ҳисобга олинмасди. Эндиликда Ўзбекистон мустақил бўлгач, том маънодаги янгича меъёрий ҳужжатларга эҳтиёж сезилди. Шу ўринда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш жуда ақоштиш маълум бўлиб қолди.

Ўзбекистонлик йўлсозлар яна бир соҳада хориж-

лик шериклари билан ҳамкорлик қиладиган бўлишди. Кейинги пайтда йўл қўрилиши бўйича малакали кадрлар тайёрлаш масаласи жиддий муаммо бўлиб турганди. Бу муаммо ҳам икки бий ҳал этилди. Республикаимизда йўлсозлар мадрасалари ташкил топди. Илк бор Бухоро ва Наманганда барпо этилган бу ўқув даргоҳлари чет эл ўқув компьютер техникаси билан таъминланди. Уларда йил давомида хорижий мутахассислар жалб қилиб, амалий-илмий семинар ташкил этишга келишиб оляпти.

— Янги йилдан бошлаб ҳамкорлик chegaralarимиз янада кенгайди, — дейди вазирликнинг тармоқда илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш бошқармаси бошлиғи Еқуб Маҳмудов. — Энди Туркия, Покистон ва Олмония йўлсозлари билан алоқалар ўрнатилди. Қатронни қайта ишлаш, асфальт ишлаб чиқариш, ва тош майдалаш бўйича Олмония ва Швеция фирмалари билан биргаликда қўшма корхона очилиши ниятимиз бор. Мутахассисларимиз бу давлатлардаги фирмаларда бўлиб, тегишли таклифлар қолдиришган. Шунингдек, кадрларни четда қайта ўқитишга ҳам алоҳида эътибор бермоқчимиз. Тез орада бир гуруҳ ўзбек йўлсозлари шу мақсадда Швецияга боришади.

Дарвоқе, сўнгги йиллик, Яқинда Ўзбекистон Автомобиль йўллари вазирлиги номига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Эскалат» Осби ва Тинч океани ҳавоаси давлатларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш комиссияси транспорт ва алоқа бошқармаси бошлиғи Дэвид Торнер жаноблари номидан халқ келди. Унда ёзилганича, мустақил Ўзбекистоннинг бу нудфузли комиссияга аъзо бўлиб кириши учун барча асослар бор экан. Хуллас, эндиликда ўз иштирокининг иккинчи йилга қадам қўйган республикаимиз учун ҳамкорлик эшиклари ланг очилмоқда. Бу хайрли ишга босиб кўшишдан жумҳурият халқ хўжалиги барча тармоқлари вандилар, жумладан йўлсозлар ҳам манфаатдор бўлишапти.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг навабдан ташқари пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Жиззах муаллимлар олийгоҳининг ректори этиб таъиниланиши муносабати билан С. Нишонов вилоят партия кенгашининг биринчи котиби ҳамда иккинчи бюро аъзоларидан овоз этилди. Вилоят партия кенгаши иккинчи котиби бўлиб ишлайтган Ш. С. Гиссов кенга-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

У. АБДУҒАНИЕВИНИ ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ички ишлар идоралари ва давлат божхона комитети тизимидаги кўп йиллик самарали иш, ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси давлат божхона комитетининг раиси Урайимжон Абдуғаниев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 15 январь.

ҚАЧОН ДАВЛАТ ТИЛИГА ЎТАСИЗ?

ЛУҚМА

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясида давлат тили сифатида ўзбек тили қўйилганлиги ҳақида халқимизнинг ҳақ-хуқуқлари тикланганлиги, халқиятларимиз ўз ўрнини топаётганлигида далolat. Лекин, афсуски айрим жойларда ҳали ҳам она тилимизни менсимаслик оқибатида осмонўпар бинолар пештойда галина, тиш ўтмас, мағзини англаб бўлмайдиган ясама ёзувлар савлат тўкиб турибди.

Хизмат юзасидан Қашқадарё вилоятининг кўпгина шаҳар ва районларида бўлганганимизда баъзи маънолоҳларда шундай маъносини англаб етиш қийин қисқарт-

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Гулистонда Сирдарё вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда аҳолига савдо, маийш хизмат кўрсатишнинг аҳоли ва турмуш шароитини яхшилаш вазифалари муҳофиза этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуринда Давлат назорати қўмитаси Вилоят бошқармасининг ана шу тармоқларда ўтказилган текширув якунлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б. Маҳмудов сўзга чиқди.

(ҒаА).

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.


ХАМКОРЛИКДА ХИКМАТ КЎП

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигидаги «Нафосат» деб аталган корхона ишга туширилди. Бу корхонанинг ташкилотчиси Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида...




Суратларда: 1. Феруза Оролова махсулотни тайёрлашда ишлаб чиқаришни назорат қилишда. 2. Корхонанинг асосий цехи уч сменали иш усулига ўтишга тайёрланганда.

Б. ТҶАЕВ олган суратлар. (ЎзА).



ЯНГИ КИТОВЛАР НАВРЎЗ ВА АЯМАЖУЗ

Газетхонларимиз қарийб чорак аср «Правда» газетасида Ўзбекистон бўйича мухбирлик қилган йўлдош Муқимовни яхши билишадими, албатта. Кескир публицист, таниқли ёзувчи Я. Муқимов кейинги йилларда халқимиз урф-одатлари, удувлари ҳақида «Минг маржон» асарини яратмоқда. Шу туркумга мансуб «Наврўз нақли» китобчасини «Ўзбекистон» нашриёти босиб чиқарди. Қўйда ундан бир шингил ҳавола этамиз.



Қиш аёли ўтиб, ҳаво исий бошлаб, қишлоқ аҳли жонланиб қоларди. Сандаги бурчаклари — қодакларини тарқатиб, ҳовли ичинги тартибга солишга, сулуриб-сидиришга, ёмғир қордан қолган лой, хас-хашак ва бошқа чиқиндилардан тозалашга киришарди. Болалар ҳам бу юмушларни бажаришга катталарга ёрдам берардилар.

Буллар ҳаммаси кўкдам элчисини, кириб келаётган баҳор даракчисини деб шундай қилинарди ва имконияти бўлса етти хил дон — буғдой, арпа, нўхат, жўҳори, биринж, мош, дубло, иложни топишга фақат жўҳорининг ўзи янчилиб қозон тўлдириб кўча пишириларида. (Мен гўжани Бухоро ўзбекларини шевада атадим).

Ўйда ҳам кўм-кўн майса ўстирарди. Илма-тешик тахта устига буғдой ёки арпа уруғи тўқилиб, устига сув сепиб туриларди. Тез орада уруғдан оқиб-сарғиш бўлиб, қилтириқдай нозиккина ниҳоллар ниш уриб чиқарди ва тез кунда баррабар бўлиб дириллаб, кўм-кўн тус оларди. Ана шундай майсаларнинг бирикиб-чатишиб кетган илдизлари бирибидан ажратишиб, туплари алоҳида-алоҳида қилиниб, қозон тўлиб, яъни наврўз кечаси баргларига тоза сув сарғатиб, дастурхон устига қўйиларди. Сув томчилари шуълаланиб, дириллаб турган бу ям-яшил кўнатлар кўзингни қувонтирар, ейишга кўзинг қиймасди.

Қишлоғимизга қачонлардир Эрондан келиб шу ерда ўт-роқ бўлиб қолиб кетган аҳоли оналариди «Ҳафтисин» деган таом ҳам тайёрланарди. Масаллариди «сең» тоғуши ила бошлариди «сең» тоғуши кўк ўт — майса, сир — саримсоқиди, селона — сўмоқ (нолға сепилдиган гул уруғи), сең — олма, сирко, санжиди — жийда. Сипанд (ҳазорспанд, исриқ...).

майман. Аммо ҳафтисинга атаб бўйим — Нурмомо тўкиб айтган байларнинг баъзи бирлари ҳеч хотирадан чиқмайд.

Тайёр бўлди Ҳафтисин. Хоҳлаганлар тез келисин. Сумалакни, самбўса, Чопинг, барисин тексин... Ноз-неъматлар тайёр бўлган, дастурхон атрофида ҳамма тўпланарди. Оила аъзоларидан биротаси ҳам дастурхондан четда қолмасди. Башарти кимдир келмаса, ўша одам удуми иримга кўра, бахтсизликка, бирор-бир фалокатга учраши мумкин деб саналар ва фалокатдан қочишга ҳаракат қиларди.

Хотирамда яхши сақланиб қолган: шундай кечалардан бирида отамни жуда интироқ бўлиб кутганиди. Шофиркон туманидаги Денов қишлоғига, қариношлариникига кетган эдилар. Оталари — Қўлдош бобом ўша томонда, Қўлижабор бонига жойлашган Сугуд (қадимда Сугдиён) қишлоғида туғилиб, ўспиринлик пайтларида етим қолганлар. Аккалари билан Шофиркон рўди бўйлаб юриб, буғдой ўроғи вақти иш қилириб ана шу рўд — дарё бошидаги қишлоқлардан бирига келган эканлар.

Улар икки тилда, тожик ва ўзбек тилларида гаплашадиган киши бўлганлар. Бу қишлоқда, Тошрабочада ва унинг атрофида эса аҳоли фақат ўзбек тилида сўзлашганини учун уларнинг отига «тожик» сўзини қўшиб айтталар. Бу яна ҳикоя қилишларига кўра, бобомнинг исми шарифига «Оташ» сўзини қўшиб Қўлдош Оташ деб ҳам атар эканлар. Кейинчалик бунинг сабабини сураб-суриштириб, билишимга кўра, Ушал Сугуд қишлоғида оташпарастлик динининг урф-одатлари кўпроқ сақланганилиди, унда истиқомат қилувчилар бу одат ва удуларга ҳамон риоя қилиб келаётганлиқларида экан. Айрим қаришлар эса: «Бобонг ўз сўзи, айтганидан қайтмас ва тез Фезъл эди, гоҳи-гоҳида оташдай ёнар эди» деб ҳам тушунтирар эдилар.



Шу орада Жете кўшинидан бўлмиш амир Сулаймон барлос, амир Мусо барлос, амир Жоку барлос, амир Жалолддин, амир Ҳиндука барлос Жете амирларидан юз ўтириб, ўз аскарлари билан эски Термизга келиб тушганлари ҳақида хабар келтирдилар. Улар менинг ҳузуримга юборган Тулан Буға етиб келиб, мулозиматимда бўлди.

(Номлари оқорида тилга олинган) амирлар минг отлик аскар билан менга қўшилмоқчи ва мулозим бўлмоқчи эканликларини маълум қилдилар. Мен эрасим уларнинг келишини ишимнинг ўнганлишидан даракчи деб тушундим. Улар менга тунда Жете лашкари устига қутилмаган босқин қилишни маслаҳат бердилар. Отланиб йўлга чиққан ҳам эдикки, Жете кўшини етиб келгани ҳақида хабар келтирдилар. Мен ўз кўшинимни сафга тизиб, душман қаршисига келиб турдим. Ҳар икки лашкар ўртасида сув бор эди. Ганимларимни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқчи ва улар вужудига ёндирувчи (ғазаб) ўтини тўғри талбир суви билан ўчирмоқчи маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим. (Айнан шу мақсадда) Жете лашкарининг сардори амир Абу Саъидга (кўп яхши) сўзлар айтдим. У айтган гапларини маълумлади. Бироқ бошқа амирлар унга қарши чиқишиб, уруш қилиш тарафдори бўлдилар. [Буни кўргач] менинг ҳам [ғазаб] ўтим алангаланиб, лашкаримни сафга тиздим.

ЖЕТЕ ЛАШКАРИНИ СИДИРИШ МАҚСАДИДА ҚИЛГАН САККИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Ўз-ўзимга дедим: «Жете кўшини билан жанг қилсам-у, улар кўп сонли бўлгани туфайли мабодо менинг лашкаримга зарар етсачи? Лекин шу заҳотиёқ ғайратим ёқамдан тутиб деди: «Салтанатни эгаллашга даъвогарлик қилиб хужум қилган экансан, салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутишинг зарур. Жангга кириб, ё зафар кучиб ғолиб бўлгансан, ёхуд ўлдирилгансан». Жанг қилишга тутидим. Қарасам, ганимлар уч фавжга бўлиниб, урушталлаб бўлиб турбдилар. Мен ўз лашкаримни етти фавжга бўлдим. Етти фавж кўшинимни кетма-кет душман устига юбориб туришни маслаҳат кўрдим. Жангу жадал ўти [қўкка] кўтарилгач, амр қилдимки, ҳировул¹ фавжлари пистирмадан туриб ганимга ўқ-ёй ёғдирсин. Шиковул² ва чаповул³ қанотидаги фавжларга эса хужумга ўтишни буюрдим. Ўзим бўлса қаршироғ⁴ ва баронғор⁵ фавжлари билан ҳаракатга келдим. Биринчи ва иккинчи ҳамланнинг ўздаёқ Жете лашкарининг бош кўмондонни (амир ул-умаро) Абу Саъидни енгдим. Шу пайт Ҳайдар Андуҳди ва Менгли Буғо менга қарши жанг қилиш учун майдонга тушдилар. Уларга қарши ўзим отландим ва биринчи ҳамладаёқ ҳар иккинчи ҳам тумтарақай қилдим. [Шундай қилиб] Жетенинг лашкари енглиб, тарқалиб ва сочилиб кетди.

¹ Сўзма-сўз тәржимаси: Улар кўп сонлидирлар, мабодо ёмон кўзлари билан лашкаримни жодулаб қўйсалар-чи? ² Ҳировул — кўшиннинг илғор қиеми кетидан боруви бўлима. ³ Шиковул — кўшиннинг сўл қанотини қўриқлаб туривчи бўлима. ⁴ Чаповул — тўсатдан босқин қилувчи кўшин. ⁵ Баронғор — тўғриси жавонғор — кўшиннинг сўл қаноти. ⁶ Баронғор — кўшиннинг ўнг қаноти.

16.

САЛТАНАТНИ ТИҚЛАШ ЙЎЛИДАГИ ТЎҚҚИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Жете кўшини бошлиқлари устидан ғалаба қозонганимдан кейин ва салтанатни қўлга киритиш учун хужум қилганим ҳақидаги хабар Турон заминига тарқалгандан сўнг, салтанатни ўз тасарруфимга олгудек бўлсам, адалат билан ҳукмронлик қилишга азму жазм этдим. Салтанатимнинг барқарорлиги кенгашини шундан толдимки, тўпланган хазинадаги нақд пуллар ва [қимматбаҳо] буюмларни сипоҳга тақсимлаб бердим ва даставвал Қаҳалқа қалъасини¹ олишга қасд қилдим. Сўнгра қўшинга [етарли даражада] озуқа бериб, сафга тортиб, Жайхун дарёси бўйига келиб тушдим. Термиз кечувидан нарғи қирғоққа ўтгач, Қаҳалқа қалъаси тарафига қоровуллар юбордим. [Ўзим] Жайхун бўйида бир неча кун турдим ва қоровуллар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим. Менинг бу ерга келгани хабари Илсехожага ештилгач, Бекчакнинг ияиси Олчунбаҳодирни катта кўшин билан устимга юборди. Қоровулларим гафлат уйқусида қолган эканлар, уларнинг ёнидан ўтиб, фақат кечалари ҳаракат қилиб туни қоронғусида тўсатдан хужум қилдилар. Мен уч томони сув билан ўралган ярим оролда ўринланганим. Ярим орол ташқарисидида қурилган бир неча чодир Жете лашкари томонидан талон-торож қилинди. Омон қолган аскарлар ярим оролга кўчиб ўтидилар [ва жон сақлаб қолдилар]. Мен бўлсам уруш талаб бўлиб, зудликда ярим оролнинг қирқани қисмига бордим. Душман мендан қўрққани сабабини урушга ботиниб киролмади. Ун кунгача мен шу ярим оролда турдим. Сўнгра у ердан чиқиб, сув бўйларига олачүк (чодир)лар тиктириб, Жете лашкарларининг қаршисидида бир ойча кузатиб ётдим. Охири ганимни қўрқув босиб, ортларига қайтиб кетдилар. Мен сувдан ўтиб, уларнинг манзилига тушдим ва душман орқасидида таъқиб қилиш учун бир фавж аскар қўнатдим.

¹ Қаҳалқа қалъаси — Термизга яқин қадимий қалъалардан бири.

17.

«САОДАТ»НИНГ ДЕНОВ МУКОФОТИ

Журналистлар Ватан ва миллат истиқболи учун масъул ва буғчи эканларини ҳеч қачон ўз зиммаларидан соқит қилганлари йўқ, соқит қилмайдилар ҳам. Матбуотчилар ҳаётининг нурилик меҳнат ва заҳматларини кўра олган Денов районини ҳокимлиги сабоқ бир иш¹ оқиндилаسا арингули азгу бир ишга кўл урди: «Саодат» ойнамаси саҳифаларида 1993 йилда эълон қилинган энг яхши мақола ва бадиий асарлар учун 50 минг сўм мукофот таъсис этди. Ушбу мукофот мактаб партасида ўтирган қизалоқча ҳам, шоир ёхуд адиба, му-

саввир ёки олима, журналист ёки илк мартаба мақола ёзаётган чўпон ё кетимчи аёлга ҳам насиб этиши мумкин. Қолаверса, келажакда буюб давлат бўлган Ўзбекистоннинг янги авлодини тарбиялаб катта оқибатга етказишда намунали ишлар қилаётган оналаримиз ва она-сингилларимизга энг яхши мақолалар ва асарлар тўхфа қилармоқ ҳам хайрлидир. Ҳани, қаламнинг қайраб, ижод жабҳасида тинмай изланаётган замонашлар, «Саодат» сиза учун кураш майлони бўлсин, кучингизни сынаб кўринг.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЭЗАДИЛАР

КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Жондор районидида сут заводи ишга тушди. Корхона ҳар сменада 10 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлди, ундан етти турдаги махсулот ишлаб чиқарилади.

Завод қурилишини Навоийдаги «Огпроммонтэж» трести бинкорларини амалга оширишди. Район хўжалиқлари уни ҳиссодорлик асосида барпо қилиб, шў мақсадга 15 миллион сўм сарф этишди. Корхона нафақат Жондор, балки, Қорақўл, Олот районлари меҳнатқиларини ҳам қаймоқ, пишлоқ, қатик ва бошқа сут махсулотлари билан таъминлаш мумкин.

Нуретқилла НАИМОВ.

«ЧИЯЛИ БОЗОРИ»

Чироқчи районидидаги «Чияли бозорининг» довуғи мамлакатимиздан ташқаридида ҳам машҳур. Яқинда мазкур бозор маъму-

ЯНГИ ЗАВОД БЎЛАДИ

Анджон механика заводи дининг Пахтаобод бўлими неғизда вагонларни ремонт қилдириш мустақил завод қилиб ортилади. Ана шу икки корхона, шунингдек Тошкент тепловоз-ремонт заводи «Ўзтемирйўлреммаш» шабқи чиқариш бирлашмаси таркибига кириб, Бирлашма Эрта Оснб темир йўл бошқармасига бўйсунди. Ишлаб чиқариш бирлашмасининг тузилиши тепловоз-

риятни ташаббуси билан «Чияли бозорини» деб аталган фольклор этнографик дастаси ташкил қилинди.

Унда санъатсевар, куй ва ашула икром этишга қобилияти кишилар қатнашмоқда. Жамоанинг бир сотлиқ дастурдан бозор иқтисодийетини талаблари ва Чияли бозори тарихи, савдодаги тартиб-қондилар ҳақида қўшиқ, лапарлар ҳамда халқ оғзаки ижодидан намуналар ўрин олган. Дастаннинг дастлабки чиқаришлардан томошабинлар гоят манъун.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Китоб геология кўрик-хонасида 1993 йилнинг август ойида халқаро илмий анжуман ўтказиш мўлжал-ламоқда.

Жаҳондаги геология кўрик-хоналарининг илмий ходимлари ва бу соҳадаги машҳур олимлар иштирок этадиган бу анжуманинг Китоб районида ўтказилиши бежиз эмас. Кўрикхонада кўлаб зоб топилмалар бўлиб, улар геология олами тарихини ўрганишга хизмат қилади

Мусо КАРОМОВ.

Чорвадорга қиш-тинимсиз иш ҚҰЙ ОРТИДАН ҚЎЗИ МАЪРАСИ

Қиш жафосини деҳқондан кўра, чорвадор кўпроқ тортади. Бунинг боиси, чорвадорнинг қишда ҳам тинмаганини тинчимасан. Аммо, чорвадорлар учун айтилган бир гап бор: «Моли тўқини — кўнгли тўқ». Шунга амал қилганларнинг иши доим беш.

Деҳқонобод районининг «Қизилча» ижара хўжалиги чорвадорларининг ҳам иши дуруст. Бунга асос — кишгамин ёзда ҳал қилиб, чорва озуқаси ташвишини мавсумида тиндириб қўйишгани. Мажмууд 17100 бош ушоқ молнинг 10400 боши совлиқ. Жоиворларнинг ҳар бири кўкламда иккита

макон бойлиги шу — ғавғоси кўп чорваси. Шу боис, хўжалик раҳбарларининг чорва, чорвадорлар хусусида қайғуриши — шу кунлардаги катта иш. Чўпонлар ҳолидан, қўнлар рўзгоридан бохабарлиги — юмуши.

Хўжалик директори Рузобий Эшмирзаев ёздаёқ ишларини намунали ташкил қилганиди. Қардан қанча ошан ўрилди, қайси отар кўрасига жамланди — барини ўзи кузатиб турди. Яхши ишлаганларни сийлади.

Танбалларни койишни ҳам унутгани йўқ.

Самара яхши бўлди. Қиш озуқаси замини — 12 та улкан хашак хирмони бунда келди. Ез бўйи хўжалик бўйича 4655 тонна хашак тайёрланди. Омухта эм — бурғойзор четига энгилган арпа бўлди. Ўрилгандаёқ қўйларга атаб, асраб қўйилганди. Мана, бутун бинойида асқотмоқда.

Қисқаси, ушбу чорвадорларнинг ҳам бутунгич иши енгил эмас. Ташвиш — қўйларни қишдан талофатсиз олиб чиқиш. Қолаверса, тўлдан умид катта. Ниҳти ҳар бир қўй ортидан қўзи маъра бўриши.

Т. ХУДОБЕРДИЕВ. Қашқадарё вилояти.

Сиз нима дейсиз, муштарий?

«Хамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлагани динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сиғдиришга йўл қўйилмайд.

«Хамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлагани динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сиғдиришга йўл қўйилмайд.

хониддин Марғиловий номли Исроом маъҳади (олий диний билим даргоҳи) жадал қурилмақда. Диндорларимизнинг ҳуқуқмадан нолийдиган жойлари йўқ.

чоралар кўришга мажбур-миз.

Республикада тинчлик, осийишталик барқарор бўлиб турибди. Ҳозир ҳамма — диндорлар ҳам, тулба партия ва ҳаракатлар аъзолари ҳам бир ёқадан бот қилириб, ана шу ҳамжиҳатчиликни мустаҳкамлашнинг, мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаган бош ва қудратли давлатга айлантириш учун куч-ғайрат сарфлашимиз керак. Албатта, даъватчилик ҳамманинг ўз иши. Агар бўш вақти бўлса, бемалол масжидларга бориб, тинчлик, осийишталикка, ҳалол-покликка даъват этверсин. Бирок, диний даъватларга сиёсий қачириқларни аралаштириб юбориш Оллоҳга ҳам хуш келмаса керак. Ҳолбуки, айрим даъватчиларнинг ваъзаларидан ана шундай эс аниқиб туради. Хушёр бўлишимиз керак. Илло, ён кўшинимиз Тожикистон фожеаси ҳамманни қўрқитишга қорламоқда. Шундай экан, кўчама-кўча, масжиди-масжид юриб даъватчилик билан шугулланаётган кенг жамоатчилик нимдигини келт-жамоатчилик бир сувиштириб кўйса чакки бўлмасди.

ДАЪВАТЧИЛАРНИНГ НИЯТИ НИМА?

Ўш «муборак қадамлари ила мунаввар этишлари» боиси сўралганда «динни тарғиб этиш» дея жавоб қайтаришди. Бундай ташрифлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам учраб турибди.

Мустақиллик шарофати туфайли динимизга эрк берилди. Биз, мусулмонларнинг кўксимизга ҳам шабада тегибди. Илгари фатво марҳумлар фотиҳасига ҳам кўрқангиса, дўшпини то фотиҳахонага етгунча чўнтакка яшириб борадиган замоналар, оллоҳга мийл шукри, ўтиб кетди. Вилоятда ҳозирги пайтда мингдан ортиқ маҳалла, қишлоқ Кенгашлари хузурдаги масжидлар ишламоқда. Илгари вилоятда фақатгина 4 та жоме масжиди бўлса, айна пайтда 40 га яқин жоме масжиди очиб. Ешларимиз турли мактаблардан эски алифбо, диний олд, ислом қоидаларидан сабоқ олмақдалар. Марғилол шаҳрида Эрта Оснбда энг катта Бур-

йўқ, — дейди вилоят ҳокимлиги миллатлараро муносабатлар ва диний ишлар бўлимининг етакчи мустаҳассиси, шарқшунос Абдуҳамид Турсунов. — Зеро, ҳар бир инсоннинг ўз имон-эътиқоди мустаҳкам бўлса, Исроом ақидаларига собит ва содиқ бўлса, менимча, унга ҳеч қандай даъваткорнинг кечаги йўқ. Чунки ҳадисларда айтилганидек, тоат-ибадат қилиш Оллоҳ билан инсон ўртасидида аҳддир. Уни ҳар бир мусулмон ўз виждони амрига кўра бажараверади. Бирок, вилоятда пайдо бўлаётган даъватчилар, афсуски, баъзан соф диний масалалар қилиб, бошқа томонларга ҳам оғиб кетаяптиларки, бу яхшиликка олиб бормади. Масалан, Қўзон шаҳрида диний вақит қўнғилдалик бўлиб турибди. Лекин шаҳарда тинч сувиш четдан туриб йолқалашига уринаятганлар ҳам бор. Улар ўзларини даъваткорлар деб атамоқдалар. Биз уларнинг кимлигини аниқлаб, тегишли

Биз ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқдамиз. Асосий Қонунимиз эса яқиндагина қабул қилинган Конституцияимизда. Унга амал қилмоқ республикада яшаётган ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Мақолаимиз бошида Асосий қонунимизнинг сўз юритидаётган мавзуга алоқадор махсус моддаси эслатиб ўтилди. Яна унинг 57-ҳақда 61-моддаларидида фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқиш тақиқланиши, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилганлиги алоҳида ушатириб ўтилганини яна бир бор эслатиб ўтганини фойдалан холи бўлмас, деб ҳисоблаймиз.

А. ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хафталик кўрсатувлар

Душанба, 18. I

УзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алданган алдоқчилар».

опера ва балет Катта театри артистларининг концерти.
20.30 «Эзбекистон» ахбороти.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум».

21.25 «Лакза». Хабарлар.
21.35 «Энг охирги кун». Бадий фильм.

16.50 «Шам Ёнб турурман...».
17.15 Болалар телевидениеси ассоциацияси (Минск).

20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.05 «Спорт уни-инди».

Янгиликлар.
ТЕЛЕМОШАВИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан душанба 18 январь кунини «Дубль IV» кўрсатувлари соат 16.40 дан бошлаб кўрсатилади.

дий телефильм премьераси (Франция), 4-серия.
20.00—22.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

Сешанба, 19. I

УзТВ I
7.00 «Эзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бастакор Мухторийон Муртазоёв». Фильм-концерт.

18.10 «Хўжа Насриддин». Мультфильм. 1—2-фильмлар.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
18.30 «Сўхбатга қорлайми».

9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглаб, томоша қилинг».

15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».

18.50 «Бугунги Ливан». Телеочерк.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.

17.25 «Ташвишнинг беғонаси бўлмади».
17.55 Эълонлар.

Чоршанба, 20. I

УзТВ I
7.00 «Эзбекистон» ахбороти.
7.25 «Афғон рубоби оҳанглари».

18.10 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
22.50 «Жиноят қидирув бошлик хабарнома».

Бадий фильм.
«ОРБИТА IV»
5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.

12.20 «Хизматкор». Телевизион бадий фильм.

18.25 «Барча юлдузлар ёрдамга келадилар».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Янгиликлар.

14.40 Теннис бўйича Австралия очиб чемпионати.

Пайшанба, 21. I

УзТВ I
7.00 «Эзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бактиёр». Фильм-концерт.

18.10 «Лола ҳақида қисса». Мультфильм.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табас-сун».

21.30 Эълонлар. «Киноингоҳ».
«ОРБИТА IV»
5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

14.10 «Хоншаримга ҳақикат берманг». Телевизион бадий фильм.

19.55 «Фондаги сурат». Каданников — ВАЗ директори.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Янгиликлар.

17.00 «И-2» таништирадиган: «Халқ фанани».

Жума, 22. I

УзТВ I
7.00 «Эзбекистон» ахбороти.
7.25 «Саодатли санъат сайёра-лари».

18.10 «Ажойиб гилам». «Юлдузлар ҳақида эрталоқ».

УзТВ II
БИШКЕК КУРСАТАДИ
18.05 «Кабуш космосда».

21.20 «Назар» (эълон, билдирувлар).

12.20 Ж.-Б. Мольер. «Тартюф».

18.45 «Инсон ва қонун».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Янгиликлар.

14.05 «Икки».

Шанба, 23. I

УзТВ I
7.00 «Ассалому алайкум».

13.30 Тижорат канали. «Халқ хизматида».

УзТВ II
АШАБАТ КУРСАТАДИ
7.00—14.00
«ОРБИТА IV»
6.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.

9.20 «Эз-ўзинга мадад бер». «Шанба кунги дастхата».

45.00 Янгиликлар.
«Дракуло-вампирча».

20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
13.15 «Доразмон».

17.25 «Бола ғилдиран...».

Якшанба, 24. I

УзТВ I
7.00 Ака-ука Қобуллар куйлайди.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.

БИШКЕК КУРСАТАДИ
9.05—12.00 Программа: «Хуш хабарлар».

9.30 «Эрта сахарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охириси».

14.30 «Эрмиж». Кўп сериали телефильм премьераси.

22.00 «Якунар».

УТТАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ БОДО БЎЛСНИ
Узбекистон энергетика ва электротехника саноати ходимлари насаба уюмида Марказий ва Тошкент вилояти ҳамда шаҳар кумиталари жамоаси, кенс энергетика ходими, республика тармоқ насаба уюшмасининг фаол қатнашичи.

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институтнинг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Иброҳим Ҳақиқулла онаси Шамсия АХМАД қизининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
РЕДАКЦИОНЛАР Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16.
31-11-49.
Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35.
Котибхона — 33-72-83, 32-53-06.
тижорат хизмати — 32-54-14.
Қабулхона — 32-53-15.